

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **589 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

2015 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 9 декабрь,  
ПФ-4677-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2014 йил 9 декабрдаги  
ПФ-4677-сонли Фармонига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармони 8-бандининг биринчи хатбошидаги «2015» рақами «2018» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли Фармони 1-бандининг биринчи хатбошидаги «20» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ–4354-сонли Фармонининг 8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича товарларни экспорт қиладиган микрофирма ва кичик корхоналар бундан мустасно.»

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ–4609-сонли Фармони 8-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари (чакана савдо ташкилотларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомида, агар мазкур муддатда улар ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловларни ушбу тўловларнинг тасдиқланган энг кам миқдорларини ҳисобга олмаган ҳолда тўлайдилар.».